Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 28 октябрь, № 220 (8843) Душанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ САЙЛОВДА ОВОЗ БЕРДИ

27 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев оила аъзолари билан биргаликда пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 59-сайлов участкасига ташриф буюриб овоз беришда иштирок этди.

Мамлакатимиз Конституциясининг 128-моддасида фуқаролар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга экани белгиланган. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланган.

Сайловда бешта — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, "Миллий тикланиш" демократик партияси, Экологик партия, Халқ демократик партияси ҳамда "Адолат" социал-демократик партияси иштирок этди.

Бу муҳим воқеа "Менинг танловим — обод Ватаним" шиори остида, ривожланган ижтимоий-сиёсий муҳитда ўтди.

Ўзбекистон тарихида илк бор Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловлари аралаш сайлов тизими, яъни мажоритар-пропорционал тизим асосида ўтказилди. Депутатларнинг 75 нафари бевосита мажоритар тизим асосида, яъни сайловчилар ўзларига мақбул номзодларга овоз бериши йўли билан, қолган 75 нафари эса пропорционал тизим бўйича сиёсий партияларга берилган овозлар асосида сайланади.

Сайлов қонунчилиги илғор демократик стандартларга мос равишда тубдан такомиллаштирилди. Жумладан, сайлов органларининг Марказий сайлов комиссияси бошчилигидаги янги тизими жорий этилди, жамият ҳаётида хотин-қизларнинг ролини ошириш мақсадида сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодлар кўрсатишда аёлларнинг улуши камида 40 фоиз бўлиши белгиланди.

Бу йилги сайловларнинг яна бир эътиборли жиҳати — жараён иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари тўлиқ рақамлаштирилган ҳолда "E-saylov" ахборот тизими орқали амалга оширилганида намоён бўлди. Мазкур тизим сайловларнинг очиқлигини юқори босқичга олиб чиқди.

Барча сайлов участкаларида қонунчиликда белгиланган шароитлар яратилди. Жойларда 5 минг 770 та округ ва 11 минг 28 та, жумладан, 40 та хорижий мамлакатда 57 та сайлов участкаси ташкил этилди.

Уни кузатишда МДҲ, ШҲТ, Туркий давлатлар ташкилоти, шунингдек, ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тўлақонли миссияси таркибида 850 нафардан зиёд хорижий ва халқаро кузатувчилар иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари сайлов участкасига келган одамлар билан суҳбатлашди. Ўз юрти ва яшаётган ҳудуди тақдирига дахлдорлигини ҳис қилиб, сайловларда фаол қатнашаётган фуқароларга миннатдорлик билдирди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

MSK
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY SAYLOV KOMISSIYASI

27 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловлар янги таҳрирдаги Конституция ҳамда миллий сайлов қонунчилигига биноан демократик тамойилларга тўла мос ҳолда қизғин ва кўтаринки руҳда ўтди.

ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР УСТУВОРЛИГИ КУЗАТИЛДИ

Бу йил мамлакатимиз тарихида илк бор парламент сайлови аралаш сайлов тизими, яъни мажоритар ва пропорционал тизим асосида ташкил қилинди. Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоиз, жорий йил парламентнинг қуйи палатасига сайланадиган 150 депутатнинг 75 нафари бир мандатли сайлов округлари бўйича, қолган 75 нафари эса ягона сайлов округи бўйича сиёсий партияларга берилган овозларга мутаносиб равишда сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар рўйхати асосида сайланиши белгиланган.

Сайлов куни юртимизнинг барча ҳудудида парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари сайловлари уюшқоқлик билан ташкил этилди. 11 минг 28 та сайлов участкасида фуқароларимиз ўз бурчини амалга оширган бўлса, 40 та хорижий давлатдаги мамлакатимизнинг дипломатик ва консуллик муассасаси ҳузуридаги 57 та сайлов участкасида хориждаги ватандошларимиз сайлаш ҳуқуқидан фойдаланди.

"Менинг танловим — обод Ватаним" шиори остида ўтган сайловларда мамлакатимизда фаолият юритаётган бешта сиёсий партия — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон Экологик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан биринчи марта барча даражадаги депутатлик ўринларига 100 фоиз номзодлар кўрсатилди. Жумладан, Қонунчилик палатасига жами 875 нафар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига жами 3 минг 625 нафар, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига жами 24 минг 850 нафар номзод кўрсатилди.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, жорий йилги сайловларда Сайлов жараёнини бошқаришнинг автоматлашган тизимидаги сайловчиларнинг электрон рўйхати шакллантирилган бўлиб, унга мамлакатимиздаги 19 миллион 944 минг 859 нафар сайловчи киритилган. Бундан ташқари, чет эллардаги сайловчиларимиз 165 минг 631 нафарни ташкил қилди.

"E-saylov" ахборот тизими ишга туширилгани ҳам мазкур сиёсий жараёнда муҳим аҳамият касб этди. Янги тизим сайловга доир ахборотларни олишда кўплаб қулайлик ва афзалликларни яратди. Қолаверса, илк маротаба Тошкент шаҳридаги бир нечта сайлов участкаларида электрон овоз беришни ташкил қилиш ва ўтказиш тажриба-синов тариқасида жорий этилгани муҳим янгиликлардан бири бўлди.

Маълумки, муддатидан олдин овоз бериш шу йил 16 — 23 октябрь кунлари ўтказилган бўлиб, унда мамлакатимиз ҳудудида 1 миллион 15 минг 948 нафар, хорижда эса 132 минг 667 нафар сайловчи овоз берди.

Кеча бўлиб ўтган сайловларни 850 дан ортиқ хорижий ва халқаро кузатувчилар кузатиб борди. Шунингдек, сиёсий партиялардан 55 минг нафар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан 10 минг нафардан зиёд кузатувчилар жараённи бевосита кузатиб борди. Маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг аккредитациядан ўтказилган мингдан ортиқ вакиллари юртимиздаги ушбу муҳим воқеани фаоллик билан кенг ёритди.

Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот марказида комиссия Раиси ва ўринбосари ҳамда вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида брифинглар ташкил қилиниб, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва халқаро кузатувчиларга сайловлар жараёнининг бориши тўғрисида маълумотлар тақдим этилди.

Марказий сайлов комиссияси Раиси ўринбосари Баҳром Кўчқоров иштирокида бўлиб ўтган брифингда соат 17:00 ҳолатига республикамиздаги жами сайловчиларнинг 14 миллион 264 минг 994 нафари ёки 71,52 фоизи овоз беришда қатнашгани қайд этилди.

Сайловларнинг якуний натижалари 2024 йил 28 октябрь куни эълон қилинади.

«Халқ сўзи».

Сайлов — 2024

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ДАРАЖАСИДА ЎТКАЗИЛДИ

Кеча мамлакатимиз ҳаётида муҳим бўлган сиёсий тадбир — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига сайловлар янги таҳрирдаги Конституциямиз асосида халқаро андоза ва стандартлар даражасида ўтказилди. Буни юртимизда бўлиб турган халқаро кузатувчилар ҳам эътироф этмоқда.

Мухбирларимиз жойларга чиқиб, мамлакатимиз бугуни ва келажагига дахлдор ушбу муҳим сиёсий жараёнларнинг қандай ташкил этилганини, юртдошларимиз ва халқаро кузатувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олди.

Хорижий кузатувчи шарт-шароит ва жараёнлардан қониқиш ҳосил қилди

Қорақалпоғистон Республикаси. Оролбўйида 654 та сайлов участкаси ташкил этилган. Эрталаб соат 8:00 дан барча сайлов участкасида овоз бериш бошланди.

— Сайловга тайёргарлик кўриш жараёнида мамлакатимиз миллий сайлов мезонида илк бор жорий этилган "E-saylov" тизими ўзининг қулайлигини тўла кўрсатди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Зийуатдин Камалов. — "E-Saylov" интерфаол порталида ушбу муҳим сиёсий жараённинг очиқлигини таъминлаш ва аҳолининг зарур маълумотларга эга бўлишида кенг имкониятлар яратилди.

Қорақалпоғистонга бир неча узоқ муддатли халқаро кузатувчилар келиб ҳудудларда сайловларга тайёргарлик ҳолатини кўздан кечирган бўлса, сайлов куни қисқа муддатли халқаро кузатувчилар овоз бериш жараёнларини кузатиб борди.

Шу билан бирга, халқаро кузатувчилар Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида бўлиб, бу ердаги шарт-шароит ва жараёнлар билан танишди. Славян-Евроосиё тадқиқотлари маркази профессори, Япония Марказий Осиё тадқиқотлари жамияти президенти Уяма Томохико шулардан биридир. У шарт-шароит ва жараёнлардан қониқиш ҳосил қилди.

2

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Марказий сайлов комиссиясида Ўзбекистонда ўтказилган муҳим тадбир — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловлар муносабати билан юртимизда бўлиб турган қатор халқаро кузатувчилар миссиялари иштирокида учрашувлар ташкил этилди.

Хусусан, жорий йил 26 октябрда Марказий сайлов комиссияси Раиси З. Низомхўжаев Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бош котиби ўринбосари Н. Ермекбаев ва Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби ўринбосари Мерей Мукажан билан учрашди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар, аралаш сайлов тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот бериб ўтилди.

Ўз ўрнида халқаро кузатувчилар бу муҳим сиёсий тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасидаги барча ишлар Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов қонунчилиги асосида тизимли ҳолда мувофиқлаштирилиб борилаётгани, халқаро нормалар ва стандартларга тўла мос келишини эътироф этишди.

* * *

Марказий сайлов комиссиясида Покистон Сенатидаги "Покистон — Ўзбекистон" дўстлик гуруҳи аъзоси Ирфан Улҳақ Сиддиқий бошчилигидаги сенаторлар гуруҳи, Озарбайжон Марказий сайлов комиссияси Раиси Мазахир Панахов, Хитой Халқ Республикаси элчиси Сунь Лицзе бошчилигидаги Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги кузатувчилар гуруҳи, Тожикистон Марказий сайлов комиссияси Раиси Бахтиёр Худоёрзода, Туркманистон Марказий сайлов комиссияси Раиси Гулмурат Мурадов ҳамда Покистон Марказий сайлов комиссияси Раиси Султон Муҳаммад бошчилигидаги делегация вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқот давомида сайловларга тайёргарлик ҳамда ушбу муҳим сиёсий тадбирнинг қизғин жараёнлари, босқичлари, сайлов қонунчилигидаги ўзгаришлар ва янгиликлар хусусида сўз юритилди.

Шунингдек, республикамиз вақти билан соат 8:00 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловлар бошланган, бутун мамлакатимиз бўйлаб ҳудудий сайлов комиссиялари томонидан тузилган 11 минг 28 та сайлов участкаси ўз ишини бошлагани қайд этилди.

3

«БАРЧАСИ ҚОНУНИЙ ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИ»

Кеча мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловлар қизғин ҳамда кўтаринки руҳда ўтди. Мазкур сиёсий жараённи 850 дан ортиқ хорижий ва халқаро кузатувчилар бевосита кузатиб борди. Мухбирларимиз уларнинг таассуротлари, фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

Дунё нигоҳи

Ренато СПАНЬОЛО, Италиянинг «Cotonella S.p.A.» компанияси бош директори:

— Сайлов жараёнларини кўплаб хорижий кузатувчилар қаторида яқиндан кузатиб бордик. Қашқадарё вилояти ҳудудий сайлов комиссиясида бўлиб, бу ерда сайловчилар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдик. Барчаси қонуний талабларга жавоб беради. Ёш болали оналар, айниқса, ногиронлиги бўлган инсонларнинг овоз бериши учун қулай имкониятлар, афзалликлар муҳайё этилган.

Сайлов куни эрталабдан бир нечта сайлов участкаларига бориб овоз бериш жараёнларини кузатдим. Сайловчилар оила аъзолари билан юқори кайфиятда келиб овоз беришганини кўриб, бу аҳиллик, фаоллик натижаси эканига яна бир карра амин бўлдим.

Кирия БАНЧОКПАКДИ (Лаос):

— Ўзбекистонда бу галги депутатлар сайлови аралаш сайлов тизими (мажоритар ва пропорционал) асосда ўтказилди. Муҳими, одамларнинг ҳамжиҳатликда овоз берганига гувоҳ бўлдик.

Сайлов куни биз борган сайлов участкаларида жараён демократия тамойиллари асосида, шаффоф муҳитда, қонунчиликка мос ўтаётганининг гувоҳи бўлдик. Қувонарлиси, сайлов участкаларидаги жараёнларни онлайн кузатиш имконияти яратилгани бўлди. Яна бир жиҳат, Ўзбекистон ёшлари сайловларда жуда фаоллик кўрсатишди. Айни шу жиҳат мамлакат ёшлари юрт тақдирига бефарқ эмаслигини намоён этади.

Қисқача айтганда, жараён мамлакатдаги яхши ўзгаришларга ҳамоҳанг кайфиятда ўтганини ҳис қилиб турибмиз.

Адам МАРШАЛЕК, Польшадаги «Маршлек-холдинг» нашриёти президенти:

— Ўтган куни Тошкент шаҳрида бўлиб сайловга тайёргарликни кузатган бўлсам, кеча Самарқандда бу жараёнга бевосита гувоҳ бўлдим. Одамлар сайловларга бефарқ эмас, қаерга боришни, кимга овоз беришни билади. Айрим давлатларда аҳоли аввал ўз юмушларини бажариб, кейин сайловга боради. Ўзбекистонда сайловчилар эрталабдан участкаларга бориб, овоз берди. Бу юртингизда сайловни ўтказиш бўйича катта тажриба тўпланганидан далолат. Ўзбекистон бугун жадал ривожланмоқда, дунё нигоҳида. Шунинг учун сайловни кузатишга ҳам кўп давлатлар, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар келган. Мен ҳам илгари халқаро ташкилотлар гуруҳи таркибида сайлов жараёнларини кузатганман. Бу гал мустақил кузатувчи сифатида қатнашяпман. Ташкилотчилар қайси ҳудудга бормоқчисиз, деб сўраганида ҳеч иккиланмай Самарқандни танладим. Чунки ҳар гал бу қадимий ва гўзал шаҳарда бўлганимда янги таассуротларга эга бўламан.

3

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2024 йил 28 октябрь

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ДАРАЖАСИДА ЎТКАЗИЛДИ

1

ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАНЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Андижон вилояти. Ҳудуддаги 7 та сайлов округи ҳамда 938 та сайлов участкасида сайловчиларга яратилган қулайликларни кўрган кишининг ташкилотчиларга миннатдорлик билдириши табиий. Хусусан, ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳамма нарса муҳайё қилинган.

— Туманимиздаги 61 та сайлов участкасининг барчасида ногиронлар аравачасига мослаштирилган нишаб йўлак (пандус) барпо этилган бўлиб, “ёрдамга чақириш” тугмаси ҳам ўрнатилган. Бу мен каби имконияти чекланганлар учун айни муддао бўлди, — дейди Балиқчи туманилик сайловчи Нуриддин Алматов.

— Ҳудудимизда 2570 нафар сайловчи бўлиб, шундан 27 нафари фуқаролик ҳуқуқидан илк бор фойдаланган ҳолда биринчи марта сайловларда қатнашди, — дейди Андижон шаҳридаги 127-сайлов участкаси масъул котиби Лолахон Мухторова. — Турли сабаб билан сайлов участкасига кела олмаган 131 нафар сайловчи эса муддатидан аввал овоз бериш имкониятидан фойдаланди. Ҳаётимиздаги бу муҳим сиёсий жараёнда маҳалладошларимиз фаол қатнашди. Буни сайловчиларнинг 30 фоизи биринчи соатдаёқ ўзлари муносиб деб билан номзодларга овоз бергани мисолида ҳам кўриш мумкин эди.

«ФУҚАРОЛИК БУРЧИМНИ БАЖАРДИМ»

Жиззах вилояти. Ҳудудда 553 та сайлов участкаси ташкил этилган бўлиб, эрта тонгдан уларнинг барчасида сайловчиларнинг фаоллиги яққол сезилиб турди.

Хусусан, Фориш тумани, Ухум қишлоғи, Мушкибирён маҳалласида яшовчи Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Эсонбек Полвонов сайловда биринчилардан бўлиб овоз берди.

— Сайловдан олдин, сиёсий партиялар, депутатликка номзодларнинг сайловолди дастури билан танишиб чиқдим, — дейди у. — Қарийб барча ҳудудимиздан сайланаётган депутатликка номзодлар қишлоғимизга келиб аҳоли билан учрашувлар ўтказди. Улар билан савол-жавоблар қилдик. ОАВда ҳам сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқотини доимий кузатиб бордим. Ҳозир эса Ватан олдидаги фуқаролик бурчимни бажариб, ўзим лозим топган муносиб номзодларга биринчилардан бўлиб овоз бердим.

ЯНГИЛАНИШЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

Навоий вилояти. Навқирон кентлардан тортиб, Қизилқумдаги олис овулларгача ҳар бир сайлов участкасида юртдошларимиз фаоллигини кузатиш мумкин эди.

Ҳудудий сайлов комиссиясининг маълумотларига кўра жорий сайловда вилоят бўйича 640 минг нафардан зиёд сайловчилар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 203 минг 102 нафари ёшлар, 11 минг нафардан ортиғи ушбу муҳим сиёсий жараёнда илк бор қатнашаётган йигит-қизлардир. Кармана туманидаги Дўрман маҳалласидан уруш ва меҳнат фахрийси, 104 ёшли Пирназар бобо Турдиев ҳудуд сайловчиларининг энг кекса вакилларидан бири.

— Сайловга эварам билан келдим, уям овоз берди. — дейди Пирназар бобо. — Шуларнинг келажаги, Ўзбекистонимизнинг дунёда обрўси янада баланд бўлиши учун овоз бердим.

Барча сайлов участкаларида зарур шароитлар яратилган бўлиб, бу халқаро кузатувчилар томонидан ҳам эътироф қилинди.

— Ўзбекистон жадал ривожланаётгани барчага аён, унинг демократик ҳуқуқ ва нормаларда эришган ютуқларига мана шу сайловларда яна бир бор амин бўлдим, — дейди Буюк британиялик кузатувчи Наоми Скотт Дунне. — Бу, албатта, бир кун ёки бир йилда бўладиган иш эмас, у кечадан бугунга ўтиб, эртага ҳам ўз самарасини берадиган янгиланишларнинг амалдаги ифодасидир.

СУРДО-ТАРЖИМАДАН ФОЙДАЛАНИЛДИ

Самарқанд вилояти. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловларда аҳолининг барча қатламини қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилди.

Сайловга тайёргарлик жараёнида ногиронлиги бўлган фуқароларга қулайлик яратилди. Сайлов участкаларига Брайль алифбосида тайёрланган трафаретлар, кўзи ожиз ва заиф кўрувчи сайловчилар учун оптик лупалар етказилди. Участка бинолари ногиронлар аравачасига мослаштирилган нишаб йўлаклари (пандуслар), “ёрдамга чақириш” тугмаси билан жиҳозланди.

Самарқанд шаҳар 61-сонли эшитишида нуқсони бўлган болалар учун махсус мактаб-интернатида жойлашган 107-сайлов участкасида ҳам сайлов юқори савияда ўтказилди ва овоз беришда сурдо-таржимадан фойдаланилди.

— Сайлов участкасида бизга керакли шароит яратилганидан мамнун бўлдик, — дейди 25 ёшли сайловчи Фарруҳжон Умматқулов. — Биз овоз берган номзодлар келгусида юртимиз ривожига ҳисса қўшишига ишонаман.



ФАРОВОНЛИГИМИЗ ЙЎЛИДА

Бухоро вилояти. Бухоро шаҳридаги Маҳмуд Торобий номидаги маҳаллада истиқомат қилувчи 73 ёшли Негмат Мўминовни 26-сайлов участкасида хушкайфиятда учратдик.

— Маҳалламиздаги ўзгаришлардан жуда хурсандмиз, — дейди отахон. — Йўллар асфальтланди. Канализация масаласи ҳал бўлди. Йўл ёқасидаги электр устунлари янгиланди. Бу каби ўзгаришларда маҳалламиз, шаҳримиз масъуллари билан бир қаторда депутатларнинг ҳам ҳиссаси бор. Уларга қилган мурожаатларимиз ҳеч қачон ерда қолган эмас. Шу боисдан ҳам бугунги сайловга бажонидил келиб, эл-юрт фаровонлиги йўлида ўзимга маъқул номзодлар ва партия учун овоз бердим.

Сайлов участкасини бир қур кўздан кечирдик. Депутатликка номзодлар рўйхати барча учун кўринарли ва қулай жойда турибди. Сайловчиларнинг улар ҳақида маълум бир тушунчага эга бўлиши учун шарт-шароит яратилган. Партияларнинг ишончли вакилларига ҳам сайлов жараёни қандай ўтаётганини кузатиш учун қулайликлар мавжуд.

Участка сайлов комиссиясидан билдиришларича, ҳудуд бўйича жами 2219 нафар сайловчи бўлиб, шундан 18 нафар йигит-қиз илк бор овоз берди. Севара Қобилова ана шуларнинг бири.

— Бухоро тиббиёт техникумида таҳсил оляпман, — дейди у. — 27 октябрь бир умр ёдимда қолади. Чунки илк бор сайловда овоз бердим. Бўлғуси депутатларимиз биз, ёшларнинг ўқишимиз, ҳаётда ўз ўрнимизни топиб кетишимизда асқатадиган ташаббуслар билан майдонга чиқишади, деган умиддаман.

ИККИ ҚУВОНЧЛИ ВОҚЕА

Сирдарё вилояти. Шаҳар ва туманлар ҳудудида жойлашган 322 та сайлов участкасида овоз бериш жараёнлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланганидек соат саккизда бошланди.

Ширин шаҳрининг Нуробод маҳалласида яшовчи Замира Тожиқулова учун депутатлик сайлови санаси қўшалоқ тантана кунига айланди. У айни 27 октябрда 18 ёшга тўлди ва шу куни овоз бериш ҳуқуқига эга бўлди. Ширин шаҳридаги 32-сайлов участкасида сайлов комиссияси аъзолари ҳам Замирани бу унутилмас икки қувончли воқеа билан самимий табриклади.

— Мана шу маҳаллада вояга етдим, ўзим овоз берган мазкур сайлов участкаси жойлашган мактабда билим олдим, — дейди Замира Тожиқулова. — Пойтахтда, олий ўқув юртида таълим оляпман. Демоқчиманки, юртимизда биз, ёшларнинг етук мутахассис бўлиб етишишимиз, орзуларимизни амалга оширишимиз учун барча шароит ва имконият яратилган. Бугунги сайловда шу эътиборга яраша келгусида халқимизга ва юртимизга наф келтирадиган инсон бўлишни ният қилиб, Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун овоз бердим.



Сирожиддин ВОҲИДОВ олган сурат.

105 ЁШЛИ ОНАХОН ДУОГА ҚЎЛ ОЧДИ

Сурхондарё вилояти. Воҳада ташкил этилган 865 та сайлов участкасида кекса, келиш имконияти бўлмаган, уйда ётиб қолган фуқароларнинг ҳам овоз бериши учун зарур шароитлар яратилди.

Денов туманидаги Боғи Эрам маҳалласида яшовчи 105 ёшли онахон Бибиражаб Муродованинг хонадонига келган масъуллар унинг конституциявий ҳуқуқидан фойдаланишига шароит яратиб беришди. Онахон ўзи муносиб деб билган номзодларга овоз берди.

Пиру бадавлат онахон юртимиз тинчлигини тилаб дуога қўл очди.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ФАОЛЛИК КЎРСАТДИ

Жанубий-Ғарбий махсус ҳарбий округ тасарруфидаги Термиз, Какайди ҳамда Хайробод гарнизонларида жойлашган сайлов участкаларида ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловлар уюшқоқлик билан ўтказилди.

Муҳим сиёсий жараёнда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда муддатли ҳарбий хизматчилар фаоллик кўрсатишиб, ўзлари танлаган муносиб номзодларга овоз беришди.

ЁШ КЕЛИН-КУЁВГА КИТОБЛАР ЖАМЛАМАСИ СОВҒА ҚИЛИНДИ

Бойсунлик ёш келин-куёв Ўрол Норқулов ва Сарвиноз Ҳалилова тумандаги 11-сайлов участкасига келиб, конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланди ҳамда ўзлари муносиб деб танлаган номзодларга овоз берди.

— Бугунги кун ҳар биримиз учун энг муҳим палла ҳисобланади, — дейди Ў. Норқулов. — Аслида мана шу танловимиз орқали ўз келажагимизни белгилаяпмиз. Танлаган сиёсий партиям — номзодларим ғалаба қозонишини истайман. Чунки уларнинг дастури истакларимга мос. Ҳаммаси шаффоф, қонун доирасида ўтди. Ҳатто рафиқам ҳам кимга овоз беришини олдиндан менга билдирмади.

Сайлов участкаси масъуллари ёш келин-куёвга китоблар жамламасини совға қилишди.

«БУ САНАНИ ИНТИҚЛИК БИЛАН КУТДИМ»

Наманган вилояти. Ушбу ҳудуд аҳли ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловларида фаоллик билан қатнашди. Жойларда ушбу муҳим сиёсий кампанияга пухта ҳозирлик кўрилиб, 837 та сайлов участкасида намунали иш олиб борилди.

Муҳим сиёсий тадбирда иштирок этган наманганликлар орасида илк маротаба овоз берган ёшлар вакиллари 33,8 минг нафардан ортиқ экани ҳам эътиборга молик.

— Бу санани интиқлик билан кутдик, негаки, ҳаётимда илк марта сайловда иштирок этдим, — дейди Тўрақўрғон туманидаги Шовон маҳалласида истиқомат қилувчи Муслима Жаҳонгирова. — Эрталабдан ҳаяжон билан ҳудудимиздаги 496-сайлов участкасига ошиқдим. Аниқ қарорга келиш учун олдинроқ сайлов қонунчилиги ҳақидаги билимимни оширишга ҳаракат қилган эдим, сиёсий партияларнинг депутатликка номзодлари ҳақида билиб олиб, учрашувларда қатнашдим. Ўзим яшаётган маҳалла ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатидан келиб чиқиб уларнинг ўз олдига қўйган вазифаларини таққосладим. Чунки мен қўллаб-қувватлаган номзодлар эртага вакиллик ҳокимиятида депутат сифатида яқинларим ва қўни-қўшниларим манфаатини ҳимоя қилиши, биз яшаётган ҳудуд тараққиётига ҳисса қўшиши керак.

УЙИДА ТУРИБ ОВОЗ БЕРДИ

Қашқадарё вилояти. Юртимизнинг бошқа ҳудудларида бўлганидек Қашқадарёда ҳам сайлов куни белгиланган жойга келолмайдиган фуқаролар алоҳида эътиборга олинди. Сайлов участкаси аъзолари уларнинг уйига бориб, тегишли тартибда овоз беришини ташкил этишди.

Касби туманидаги Дўстлик маҳалласида яшовчи 105 ёшли Назира ая Ражабова ана шу имкониятдан фойдаланган ҳолда ўз уйида туриб овоз берди.

— Биз ёшликда кўп қийинчиликларни бошдан кечирганмиз, — дейди онахон. — Бугун юртимиздаги осудалик, хотиржамлик, фаровонликни кўриб фарзандларим, невара-чевараларим шундай осойишта кунларда яшаётганидан қувонаман. Дилимда ҳам, тилимда ҳам бу кунларнинг абадий бўлишини тилаб дуо қилиб ўтираман. Бугун юртимизнинг ривожи, фаровонлиги йўлида хизмат қилишига ишонган номзодларга овоз бердим.

КЕЛАЖАГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Фарғона вилояти. Ҳудудий сайлов комиссияси раиси Эркинжон Нуралиевнинг маълум қилишича, вилоятда 1210 та сайлов участкаси ташкил этилган.

Умумий сайловчилар сони 2 миллион 229 минг 469 нафар, муддатидан олдин овоз берганлар 219 минг 455 нафарни ташкил этган бўлса, ушбу жараёнда 41 минг 460 нафар ёш илк бор овоз берди.

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Қўқон филиалида жойлашган 165-сайлов участкасидаги жараёнлар ҳам сайловчилар фаоллиги остида кечди.

Сайлов участкасида 2021 нафар сайловчи рўйхатга олинган бўлиб, илк бор овоз бераётган ёш авлод вакиллари 45 нафарни ташкил қилди. Уларга гулдасталар тақдим этилиб аъло кайфиятда кутиб олинди.

— Биз ўз келажагимиз ва тақдиримизга бефарқ эмасмиз, — дейди ўз сайлов ҳуқуқидан фойдаланган Мавлудахон Эрматова. — Бугун мамлакатдаги бу сиёсий жараёнда қатнашиш қанчалик муҳим эканини ҳис этдик ва ўзимиз муносиб деб билган номзодларга овоз бердик.



Акмал МУҲАММАДОВ олган сурат.

«МЕНИНГ ТАНЛОВИМ — ОБОД ВАТАНИМ»

Тошкент вилояти. Ҳудуддаги 1 минг 6 та сайлов участкасини байрамона файз чулғаб олди. Зеро, фуқаролар “Менинг танловим — обод Ватаним” шиори остида овоз бериш жараёнида фаол иштирок этди.

— Сайловда ҳудудларда бир оила фарзандларидек истиқомат қилувчи турли миллатга мансуб фуқаролар уюшқоқлик билан қатнашди. Ногиронлиги бўлган шахслар сайловда эмин-эркин қатнашишини таъминлаш учун зарур инфратузилмавий шароитлар яратилди, — дейди вилоят сайлов комиссияси аъзоси Нигора Ўролова. — Шунингдек, кўзи ожиз фуқароларнинг овоз бериши учун барча сайлов участкалари Брайль алифбоси асосида тайёрланган трафаретлар ва оптик лупалар билан таъминланди. Имконияти чекланган сайловчилар учун барча бинога кириш жойлари ногиронлар аравачасига мослаштирилган йўлаклар (пандуслар) ёки “ёрдамга чақириш” тугмаси билан жиҳозланди.

Оққўрғон туманидаги 288-сайлов участкаси ҳудудида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши фахрийси, 104 ёшли Файзулла ота Нурматов ҳам сиёсий жараёнда фаоллик кўрсатди.

— Белгиланган жойга боролмаганимиз туфайли сайлов участкаси ходимлари кўчма қути билан ҳузуримга келди — дейди отахон. — Ўзим лойиқ деб билган номзодларга овоз берганимдан мамнунман.

«ИШТИРОКИМ — ЮРТИМИЗ РАВНАҚИГА ҚЎШГАН КИЧИК ҲИССАМ»

Хоразм вилояти. Кўҳна воҳада бўлган сайлов жараёнларида ҳам миллий қонунчилик ва умумэътироф этилган демократик тамойиллар устуворлиги яққол сезилиб турди.

Урганч шаҳридаги 28-сайлов участкаси эрта тонгдан сайловчилар билан гавжум бўлди. Давлат мадҳияси янграб, шундан сўнг овоз бериш жараёнлари бошланди.

— Сайловларда кўп марта қатнашганман, — дейди “Нуроний” жамғармаси Хоразм вилояти бўлими раиси Рустам Султонов. — Сайловда иштирок этиш ҳар бир фуқаронинг бурчи. Бу гал ҳам фарзандларим, невара-чевараларим билан бордик. Яратганга шукр, юртимиз тинч. Қаранг, шаҳару қишлоқларимиз обод бўлиб, турмушимиз фаровонлашиб бормоқда. Бугун эл-юрт тинчлигини, невара-чевараларим келажагини ўйлаб ўзим маъқул топган номзодларга овоз бердим. Иштироким юртимиз тараққиётига қўшган кичик ҳиссам бўлади.

ЭЛЕКТРОН УСУЛ СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Тошкент шаҳри. Мамлакатимиз пойтахтида сайловларга ниҳоятда пухта ҳозирлик кўрилди. Бу бежиз эмас. Зеро, катта шаҳарнинг тайёргарлиги ҳам шунга яраша бўлиши керак. Буни илк маротаба 10 та сайлов участкасида электрон овоз бериш усули синовдан ўтказилгани мисолида ҳам кузатиш мумкин бўлди.

Яккасарой туманидаги “Дамариқ” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 547-сайлов участкасида эл-юрт эътиборидаги кўплаб инсонлар овоз берди. Дзюдо бўйича Олимпия ўйинлари ғолиби Диёра Келдиёровани ҳам ушбу манзилда учратдик. У сайлов билан боғлиқ фикрларини шундай ифодалади:

— Янги Ўзбекистон келажагини бунёд этиш, унинг тараққиётини таъминлашда сайланажак депутатларнинг ўрни катта. Мен танлаган номзодлар ана шу эзгу ишга бор билим ва салоҳиятини сафарбар этишига ишонаман.

«Халқ сўзи».

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Меҳмонлар мамлакатимиз сайлов қонунчилигидаги янгиликлар билан танишаркан, айни йўналишдаги ижобий ўзгаришларни юқори баҳолашди. Ўтаётган мазкур сайловлар ҳам халқаро демократик тамойилларга тўлақонли жавоб беришига ишонч билдиришди.

Покистон Сенатидаги "Покистон — Ўзбекистон" дўстлик гуруҳи аъзоси Ирфан Улҳак Сиддиқий: "Айтишим керакки, ушбу жараён нафақат менга, балки ҳамкасбларим учун ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Барчанинг фаоллиги жараённинг яхши ташкиллаштирилганини кўрсатади. Ишончим комилки, янги ўзгартиришлар билан ўтказилган сайловларда халқ фаол қатнашиб, ўзлари муносиб кўрган вакилларга овоз беришди. Янги сайлов тизимидаги гендер тенглиги, аниқ айтганда, депутатликка номзодлар орасида аёллар улуши 30 фоиздан 40 фоизга оширилгани жуда аҳамиятли. Чунки дунёдаги ривожланган давлатларда ҳам бундай кўрсаткич йўқ", дея таъкидлади.

Озарбайжон Марказий сайлов комиссияси Раиси Мазахир Панахов қуйидагиларни қайд этди:

— Эрталабдан кўпгина сайлов участкаларини кузатишга муваффақ бўлдик. Жараёнлар яхши ташкиллаштирилган. Барча ишлар Сайлов кодексига мос равишда амалга оширилган. Айтиш жоиз, халқаро стандартларга мос равишда ўтган сайловлар унинг шаффофлиги ва ошкоралигини таъминлашга хизмат қилди.

"Биз бир фикрни таъкидлаб ўтмоқчимиз: сайловлар юқори савияда ташкил этилди. Биз нафақат сайловларни кузатиш, балки сайловнинг илғор жиҳатларини ўрганиш учун ҳам ташриф буюрганмиз", — *деди Тожикистон Марказий сайлов комиссияси Раиси Бахтиёр Худоёрзода.* Айни чоғда у сайлов участкаларини сайлов техникаси билан таъминлаш, участка комиссиялари аъзоларининг малакасини ошириш ишларини ижобий баҳолаб, депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг сайловолди дастурлари ҳамда депутатликка номзодлар тўғрисида кенг маълумотлар мавжудлигини алоҳида қайд этди.

«Халқ сўзи».

«БАРЧАСИ ҚОНУНИЙ ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИ»

Татьяна ХЕККЕР, «Berliner Telegraph» газетаси мухбири (Германия):

— Сайловларга тайёргарлик жараёни билан танишиш мақсадида дастлаб Бухоро шаҳридаги иккита сайлов участкасида бўлдик. Бу жойларда қонунчилик доирасида тайёргарлик ишлари йўлга қўйилган, сайлов кабиналари, сайлов қутилари жойлаштирилган.

Жараён арафасида Бухоро кўчаларида, бозорларида бўлиб, одамлар билан мулоқот қилдик. Улар билан суҳбатлашганимизда фуқаролар сайловга тайёр эканликларини, уларнинг овози эртанги тараққиёт, болаларининг келажаги ҳамда мусаффо экология учун муҳим эканини алоҳида таъкидлашди. Бу жуда ҳам қувонарли.

Сайлов куни Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот марказида бўлдик. Бу ерда ОАВ вакиллари учун барча шароит яратилган. Албатта, бундан миннатдормиз. Чунки мавжуд имкониятлар холис, ҳаққоний, тезкор ахборотни етказишда муҳим ўрин тутади.

Андрей ОФИЦЕРОВ, халқаро кузатувчи:

— Ўзбекистондаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловларини кузатиш мақсадида юртингизга келиб, Самарқанддаги сайлов жараёнлари билан танишдик. Бир нечта сайлов участкасида овоз бериш жараёнларини кузатдим. Парламент сайловларига тайёргарлик яхши ташкил этилган. Сайловчиларнинг фаоллигини алоҳида таъкидлаш керак. Ёшлар ҳам, кексалар ҳам участкага келиб, ўз ҳуқуқидан фойдаланишгани эътиборга молик.



Арчана УПАДҲЬЯЙ (Ҳиндистон):

— Мамлакатингизга ўтказилган парламент сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этдим. Таъкидлаш керак бўлган алоҳида жиҳат — бу юртингизда аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги. Буни фақат сайловда эмас, барча соҳада ҳам яққол кўриш мумкин. Ҳиндистон демократик сайлов тизимига эга ва бунга 75 йил давомида эришган. Ўзбекистонда сўнгги 10 йилда ўтказилаётган сайловлар кўрсаткичларидан кўриш мумкинки, бу жуда катта натижа.

Самарқандга биринчи бор келишим, эшитганларимдан ҳам кўпроқ ва яхшироқ таассуротларга эга бўлдим. Гўзал тарихий шаҳар, одамларнинг меҳмондўстлиги менга жуда ёқди.

Максим КРАМАРЕНКО (Қозоғистон):

— МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси вакили сифатида сайлов участкаларидаги ташкилий ишлар, овоз бериш жараёнларини кузатиб бордик. Сайловда фуқароларнинг умумий, тенг ва яширин тарзда овоз бериш ҳуқуқларини амалга оширишларига барча шароит яратилган. Мамлакатингиз сайлов қонунчилиги менга яқиндан таниш. Кузатувларимдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, участка сайлов комиссиялари ўз вазифаларини белгиланган тартибда олиб боришди. Кузатувларимиз натижаларини ҳар икки соатда онлайн режимда ҳисобот тарзида топшириб бордик. Мониторинг давомида олинган маълумотлар Ўзбекистон парламенти сайлови якунлари бўйича хулоса тайёрлашда инобатга олинади.

«Халқ сўзи».

Муносабат

«Юрт тақдирига бефарқ эмасман»

Сайловлар "Менинг танловим — обод Ватаним" шиори остида ўтказилаётганида чуқур маъно бор. Бу мамлакатимизда катта ўзгаришлар бўлаётганидан дарак беради.

Ангор тумани маданият уйида жойлашган 137-сайлов участкасида ҳам сиёсий партиялардан қўйилган номзодларга овоз бериш жараёни қизғин ташкил этилди. Барчаси шаффоф ва адолатли, янгича тизимда ўтказилди. Қувонарлиси, юртдошларимиз сайловларга иштиёқ ва катта умидлар билан қатнашиб, ўз овозларини беришди.

Мен ҳам янги Ўзбекистон тараққиёти, дастурхонимиз тўкинлиги, фермерлик ҳаракатининг янада ривожланиши учун ўзим муносиб деб билган номзодларга овоз бердим. Уларнинг сайловолди дастурларида келтирилган таклифлар мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги учун хизмат қилишига ишонаман.

Исохон БАҲРОМОВ, Ангор туманидаги «Саидносирхон» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони.

Бурч ва масъулият ҳисси

Илк бор сайловда овоз бердим. Мазкур жараён мен учун ниҳоятда масъулиятли ва ҳаяжонли бўлди. Алоҳида қайд этишим жоизки, ушбу муҳим сиёсий тадбирга жиддий ёндашдим.

Дастлаб номзодлар ҳақидаги маълумотлар ва уларнинг дастури билан танишдим. Сайлов участкасидаги сайловга оид маълумотлардан депутатларнинг жамиятимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлдим. Мен танлаган номзодлар мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамият касб этишини инобатга олган ҳолда Андижон шаҳридаги 28-сайлов участкасида ўзим муносиб, деб билган номзодларга овоз бердим.

Гулҳаё СОБИРОВА.
Андижон шаҳри



Мамлакат истиқболи ҳамма учун муҳим

Ўзбекистон ёшлари бугун ҳар соҳада фаол. Биргина жорий йилнинг ўзида Парижда бўлиб ўтган ёзги Олимпия ва Паралимпия ўйинларида юртимиз спортчилари бутун дунёга ўз куч ва салоҳиятини кўрсатди.

Сайловлар жараёнлари ҳам Ўзбекистоннинг бугунги тақдири ва келажагини белгиловчи муҳим тадбирдир. Таъбир жоиз бўлса, келажагимиз учун танлов. Шу боис Фарғона давлат университетида ташкил этилган 71-сайлов участкасида эрта тонгда овоз бердим. Сайловда ёшларнинг жуда фаол қатнашаётгани мени беҳад мамнун қилди.

Сайлов участкаси раиси Муҳаммаджон Мамажоновнинг билдиришича, овоз бериш бошланган дастлабки соатларда рўйхатдан ўтган икки мингдан зиёд сайловчиларнинг ўттиз фоиздан кўпроғи ўз танловини амалга ошириб бўлган. Бу, албатта, қувонарли ҳолатдир.

Ушбу муҳим сиёсий жараёнда фарғоналик ёшлар фаоллик кўрсатиб, келажаги учун бефарқ эмаслигини намоён этгани, шубҳасиз, диққатга сазовор.

Асадхўжа МЎЙДИНХЎЖАЕВ, ёзги Олимпия ўйинлари чемпиони.



Нуронийлар ҳам фаол

Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий жараён — сайловда ҳар бир инсоннинг иштироки ва овози алоҳида аҳамиятга эга.

Мен туманимиздаги Дўстлик маҳалласида жойлашган 502-сайлов участкасида оила аъзоларим билан қатнашиб, муносиб номзодларга овоз бердим. Зеро, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, кексалар эъзозию ёшларнинг истиқболли келажаги йўлида ҳар биримизнинг танловимиз муҳим.

Сайловлар жараёнларида иштирок этиб амин бўлдимки, бугун юртдошларимиз қатори нуронийлар ҳам мамлакат тараққиёти, келажаги учун асло бефарқ эмас. Бундан англашиладики, амалга оширилаётган ўзгаришлар, ислоҳотлар аҳоли фаровонлигини таъминлашда янада яққол акс этмоқда.

Ўрол ЧЎТБОЕВ, «Нуроний» жамғармаси Шўрчи тумани бўлими раиси.

Таълим сифатини ошириш:

АМЕРИКА ТАЖРИБАСИ АРИЗОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТОМОНИДАН АМЕРИКА ТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ОРҚАЛИ ҚУВВАТЛАНАДИ

Америка олий таълим тизими дунёдаги энг самарали ва илғор тизимлардан бири сифатида кенг эътироф этилади. Бунинг асосий омилларидан бири — илмий тадқиқотлар, инновациялар ҳамда глобал ҳамкорликни бошқарадиган юқори сифатли университетларга катта эътибор қаратилиши. Ушбу муассасалар орасида Аризона давлат университети (АДУ) тадқиқот, талабаларга йўналтирилган таълим ва халқаро ҳамкорликдаги мукаммаллиги билан ажралиб туради.

Тараққиёт мезонлари

Америка Қўшма Штатларидаги етакчи муассаса сифатида Аризона давлат университети илғор тадқиқотлар, инновацион ўқитиш усуллари ва глобал дунёқараш орқали сифатли таълимга содиқлигини доимий равишда намойиш этади. Унинг олий таълимга бўлган ёндашуви ўқув сифатини ошириш учун қимматли сабоқлар беради ҳамда бу дарслар эндиликда Ўзбекистонга Аризона давлат университети томонидан қувватланадиган Америка технологиялар университети орқали олиб келинмоқда.

Хўш, Аризона давлат университети муваффақиятининг асосий омиллари нималарда намоён бўлади?

Биринчидан, тадқиқот ва инновациялар. АДУ муваффақияти унинг илмий тадқиқотлар ва амалий қўлланмаларга эътибори билан чамбарчас боғлиқ. Университет замонавий тадқиқот усулларидан фойдаланади ҳамда турли соҳаларда инновацион ечимларни ишлаб чиқишга устувор аҳамият беради. Тадқиқотнинг мукаммаллигига бундай садоқат нафақат академик сифатни, балки жамиятга фойда келтирадиган амалий ютуқларни ҳам оширади.

Иккинчидан, талабаларга йўналтирилган таълим. Америка университетлари, жумладан, АДУ талабаларга йўналтирилган таълим муҳити билан машҳур. Олийгоҳда ҳар бир талабанинг ўзига хос қобилияти ҳамда эҳтиёжлари ҳисобга олинади. Ушбу индивидуал ёндашув талабаларнинг ўз мақсадларига мослаштирилган юқори сифатли таълим олишларини таъминлашга ёрдам беради.

Учинчидан, халқаро ҳамкорлик. АДУ глобал таълим дастурлари ҳамда ҳамкорликда фаол иштирок этади. Халқаро лойиҳаларда қатнашиш университет фаолиятида янги истиқболлар очиш ва бутун дунё бўйлаб ўзининг таълимга таъсирини кенгайтириш имконини беради.

Сир эмаски, ҳар қандай мамлакат олий таълим тизими ривожи унинг ривожланган давлатлар олий таълим тизими билан йўлга қўйилган ҳамкорлик алоқаларига бевосита боғлиқ. Шу маънода Ўзбекистон ана шундай ҳамкорликни тизимли ва самарали йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу эса ўз натижаларини бераётгани қувонарлидир.

Биргина Америка технологиялар университети билан ўрнатилган манфаатли алоқалар мамлакатимизда таълим сифатини мустаҳкамлашда муҳим қадам, десак, айни ҳақиқат.

Аввало, АДУ томонидан қувватланадиган Америка технологиялар университетининг ташкил этилиши мамлакат таълим тизимини ривожлантиришда айни муддао. Ушбу ҳамкорлик Америка технологиялар университетида Америка олий таълим стандартларини жорий қилиш ҳамда шу орқали Ўзбекистондаги талабалар ва ўқитувчиларга жаҳон андозалари даражасидаги таълим имкониятларидан фойдаланишни таъминлашга қаратилган.

Мазкур ўзаро таълим ҳамкорлигининг афзалликлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Бу, биринчи навбатда, талабалар учун замонавий таълим имкониятларини яратиб беради. Америка технологиялар университети АДУ томонидан ишлаб чиқилган дастурлари билан талабаларга Америка стандартлари асосида таълим олиш, замонавий касбий билим ва кўникмаларга эга бўлиш имкониятини тақдим этади. Шунингдек, маҳаллий талабалар чет элга бормасдан юқори сифатли ўқув дастурларидан фойдаланишлари мумкин бўлади.

Ўқитувчиларнинг малакасини ошириш борасида ҳам ижобий силжишлар кузатилади. Яъни ҳамкорлик Ўзбекистондаги педагогларнинг малакасини оширишга ҳам қаратилган. Ушбу шериклик орқали ўқитувчиларни АДУда қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар ва таълим методлари бўйича ўқитиш йўлга қўйилади. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг касбий маҳорати ҳамда ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ўзаро алоқалар халқаро имкониятларни ҳам кенгайтиради. АДУ академик кўмагида Америка технологиялар университетини ташкил этиш нафақат Ўзбекистон таълим тизимининг нуфузини оширади, балки мамлакатга кўпроқ хорижий талабаларни жалб қилади.

Қисқача айтганда, ана шундай халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда жаҳоннинг нуфузли институтларидан бирига эга университетни ташкил этиш орқали Ўзбекистон таълим тизимини мустаҳкамлаш, уни дунё андозалари билан мослаштириш борасида муҳим қадамлар қўйилмоқда. Пировардида Америка технологиялар университети АДУ кўмагида Америка олий таълимининг илғор тажрибаларини Ўзбекистонга олиб кириш учун қимматли имконият бўлиб хизмат қилиши билан бирга талабалар ҳамда ўқитувчилар учун порлоқ келажакка йўл очиши, шубҳасиз.

Акрам ҲОШИМОВ, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2024 йил 28 октябрь

ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЙҒУНЛИГИ – замонавий кадрлар тайёрлаш гарови

Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар йўлини танлаган. Олдинда турган ушбу эзгу мақсадларга эришиш замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллаган ёш мутахассисларга ҳам чамбарчас боғлиқ.

Шунинг учун мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси бугунги кунда жамият тараққиётига хизмат қиладиган асосий дастурга айланди.

Дунёда иқтисодиётнинг янги, замонавий йўналишлари пайдо бўлаётган экан, Ўзбекистонда ҳам замон талабларига жавоб берадиган етук кадрларни тайёрлаш устувор вазифа бўлиб, бу борада таълим ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Нуқтаи назар

Узвийлик — устувор вазифа

Президентимизнинг 2019 йил 8 октябрдаги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланган. Мазкур ҳужжат олий таълим тизимида ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни ҳам кўзлайди.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг ёқилғи-энергетика, кимё, машинасозлик, автомобилсозлик ҳамда бошқа йўналишларида катта-катта корхоналар, завод ва фабрикалар ишга тушириляпти. Аммо уларни замон талабларига мос иқтисодчилар, муҳандислар, технологлар билан таъминлаш масаласи ҳам ортда қолмаслиги зарур. Шу боис давлатимиз раҳбари томонидан ёшларни касб-ҳунарга ўқитишни янгича ёндашув асосида ташкил этиш, ўқув дастурлари ва ўқитиш методикасини замонавий ишлаб чиқариш талаблари асосида қайта кўриб чиқиш юзасидан муҳим кўрсатмалар берилган.

Президентимиз томонидан шу йил 30 сентябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан соҳа вакиллари иштирокида таълимда амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги



устувор вазифалар юзасидан ўтказилган мулоқотда мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, олий таълим ва малака ошириш тизимида ягона узвий занжирни йўлга қўйиш учун педагогик таълим кластерлари ташкил қилиниши ҳам таъкидланди. Бу тажриба-синов тариқасида дастлаб Андижон ва Бухоро шаҳарларида барпо этилиши кўзда тутилмоқда.

Мазкур вазифа, албатта, ўқитувчилар тайёрлашга ихтисослаштирилган Андижон давлат педагогика институти жамоаси зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Чунки унинг ижроси учун Андижон ва Бухоро давлат педагогика институтлари бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан 25 миллиард сўм ажратиши белгиланди.

Мақсад — иқтидорлиларни саралаш

Бугун саноат корхоналарининг тегишли олий таълим муассасалари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш, иқтидорли талабаларнинг корхоналарда ўз мутахассислиги бўйича амалиёт ўташини йўлга қўйишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Нафақат талабалар амалиёти, балки профессор-ўқитувчиларнинг ҳам илмий тадқиқот ишлари тегишли корхоналарда ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Чунки малакали мутахассис ҳамма жойда керак. Эндигина ишга кирган ходимнинг барчаси ҳам ўз соҳасининг устаси бўлмайди. Шу боис корхоналар келажак эгалари бўлган ёшларнинг амалиёт ўташларига эътиборни кучайтиришлари лозим. Мақсад аён: иқтидорлиларни саралаб олиш, кадрлар захирасини тўлдириш, ёшларга мотивация бериш, шу соҳага қизиқувчилар сафини янада кенгайтириш. Бу амалиётчиларнинг кейинчалик шу корхоналарда меҳнат қилишлари учун зинапоя вазифасини ўтайди.

Хўш, талаба қачон етук мутахассисга айланади? Қачонки, олий таълим муассасасининг моддий-техника базаси мустаҳкам, замон талабига жавоб берадиган даражада бўлса, профессор-ўқитувчилар дарсни инновацион технологиялар ва янги дарсликлар воситасида ўтса, ўқув амалиётлари сифатли ташкил этилса. Шундай экан, ёшларни ривожланган хориж давлатларида бўлгани каби кўпроқ амалиёт ўташга юборишимиз шарт. Аслида илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясининг афзаллиги ҳам шунда. Талабалар билан бир қаторда олимларнинг ишлаб чиқариш объектларида стажировка ўташи илмий изланишлар мавзуси кенгайиши ва улар томонидан яратиладиган янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари кўпайишига хизмат қилади.

Яна бир масала. Ишлаб чиқариш корхоналарининг мутахассислари ҳам таълим жараёнига кўпроқ жалб этилиши даркор. Улар олийгоҳларда талабаларга ўз соҳалари бўйича дарс берса, амалий машғулотларни олиб борса, талабалар бундан катта сабоқ олади. Бу ёшларнинг соҳага қизиқишини янада кучайтириш, ўқув қўлланмалари ва дарсликларни амалий билимлар билан омихта ўрганиш, пировардида таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Корхоналар ва олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланади.

Миллий саноатимиз равнақига ҳисса қўшадиган «олтин фонд»

Биз дунёга юз тутяпмиз. Дунё ҳам бизга талпинмоқда. Демак, дунёвий билимларни, тажрибаларни оммалаштириш, татбиқ этиш даврнинг асосий талабидир. Қисқача айтганда, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясининг ривожи барча соҳада тараққиётнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Биринчи навбатда, олий таълим муассасалари фаолиятида туб бурилиш юз беради, улар ўртасида соғлом рақобат муҳити шаклланади. Натижада таълим сифатига эътибор кучаяди. Янги авлод дарсликлари кўпаяди, олийгоҳларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланади ва малакали мутахассисларни тайёрлаш имкониятлари ортади. Айнан ана шу кадрлар, Президентимиз таъбири билан айтганда, миллий саноатимизнинг равнақига муносиб ҳисса қўшадиган “олтин фонд”имизга айланади.

Тан олишимиз керак, бугун иқтисодиёт соҳаси учун кадрлар сув ва ҳаводек зарур. Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 7 февралдаги “Иқтисодиёт соҳалари учун кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам жаҳон бозорида рақобат тобора кескинлашаётган бир пайтда мамлакатнинг иқтисодий тараққиётини таъминлашда таълим сифати ва илмий салоҳиятни кўтариш орқали кадрлар тайёрлаш тизими самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, иқтисодиёт ва молия соҳасидаги олий таълим муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, уларда самарали бошқарув тизимини йўлга қўйиш, ўқув жараёнларига энг сўнгги педагогик технологияларни жорий қилиш, илмий фаолиятни жаҳон стандартлари асосида ташкил этиш, уларнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини янада ошириш, илғор хорижий тажрибага эга илмий-педагогик кадрларни кенг жалб қилиш мамлакат иқтисодиёти ҳамда молия тизимлари учун рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси ҳисобланади.

Бугун биз учинчи Ренессанснинг пойдеворини қуришни мақсад қилган эканмиз, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги заруратини теран англайдиган, замонавий билимлар ва илғор технологияларни эгаллаган ёшларгина бунга қодирлигини, улар ўз олдимизга қўйган стратегик тараққиёт мақсадларига эришишда муҳим роль ўйнашини тушунмоғимиз керак.

Биз, педагогларнинг эндиги вазифаси замонавий техник таъминотга эга таълим муассасаларида талаблар даражасида инновацион таълим технологиялари асосида ёшларимизга таълим-тарбия беришдан иборат. Бунинг учун ҳар бир педагог ўз устида ишлаши, замондан орқада қолмаслиги, ўқитишнинг инновацион технологияларини пухта билиши ва ўз фаолиятида қўллай олиши зарур. Ҳозирги кунда эски анъанавий услубдаги дарслар ёшларимиз эҳтиёжини қондирмайди, улар бундай дарсларни тинглагиси келмайди. Чунки уларда фикрлаш ва тафаккур бошқа, бирор фан бўйича билимга эга бўлишда ёндашувлар ҳам ўзгача. Яъни бугунги навқирон авлоднинг фикрлаши ва тафаккури бундан 15 — 20 йил аввалги ёшларга нисбатан анча баланд ва тез. Агар педагог ёшлар билан ҳамнафас фикрламаса, замон янгиликлари ва талабларидан орқада қолса, айниқса, бераётган билимларини амалиёт билан уйғунлаштирмаса, унинг фаолияти самарасиз бўлиб қолаверади.

Илмсиз ривожланиш бўлмайди

Кези келганда яна бир масалага эътибор қаратмоқчимиз. Бундан бир неча йил аввал олий таълим тизимида технопаркларнинг яратилиши ҳақида тасаввур ҳам қилмаган эдик. Ривожланган мамлакатларнинг олий ўқув юртларида кўриб, ҳавас қилиб, қани энди бизда ҳам шундай имкониятлар бўлса, деб ўйлардик. Бугун ҳар қадамда қурилаётган технопарклар нафақат юртимиз тараққиётида, балки таълим тизимини янги даражага кўтаришда муҳим ўрин тутмоқда. Бундай паркларда амалиёт ўтаётган ёшларимиз билимларини ошириш билан бирга, меҳнатига яраша пул ҳам ишлаб топишаётгани янада қувонарли.

“Илм бўлмаса, ривожланиш бўлмайди” деганларидек, кейинги саккиз йилда мамлакатимизда ислоҳотлар мана шу қатъий тамойил асосида кечди. Давлатимиз раҳбари илм-фан ва инновациялар ривожини энг устувор масала сифатида кун тартибига қўймоқда. Бугун юртимиздаги бизнес инкубаторлар, акселератор ва коворкинг марказлари, IT-парклар мана шу мақсадга қаратилгани билан диққатга сазовор.

Хуллас, илм-фан ва инновациялар, таълим ва ишлаб чиқариш уйғунлиги янги Ўзбекистон тараққиётида стратегик аҳамиятга эга устувор соҳага айланди. Олий таълим тизимининг вазифаси фақат талабаларни ўқитишдангина иборат эмас, балки ҳақиқий маънода ёш кадрларни тайёрлаш, деган ғоя шаклланди. Ушбу йўлда бугун кенг кўламли ишлар олиб борилмоқдаки, бунинг натижасини ёшларнинг илмий тадқиқотларда фаол қатнашаётгани, ишлаб чиқариш жараёнларида йирик лойиҳаларни амалга оширишда қатнашаётгани мисолида кўришимиз мумкин. Таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлик механизми юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва уларни иш ўринлари билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса Президентимиз раҳбарлигида янги Ўзбекистонни бунёд қилиш ва учинчи Ренессансга мустаҳкам замин яратиш борасида дадил қадамлар ташланаётганининг яна бир ифодасидир.

Бахтиёр РАСУЛОВ,
Андижон давлат педагогика институти ректори,
тарих фанлари доктори, профессор.

РЕКЛАМА

MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI

2024/2025-o‘quv yili uchun quyidagi kafedralarga pedagog xodim (professor-o‘qituvchi)larni ishga qabul qilish uchun tanlov e’lon qiladi:

№	Kafedra	Shtatlar birligi
	Amaliy matematika va intellektual texnologiyalar fakulteti	
1.	Algoritmlar va dasturlash texnologiyalari kafedrasi	1,5 ta
2.	Amaliy matematika va kompyuter tahlili kafedrasi	6 ta
3.	Axborot xavfsizligi kafedrasi	3 ta
4.	Sun’iy intellekt kafedrasi	2 ta
5.	Hisoblash matematikasi va axborot tizimlari kafedrasi	3,75 ta
	Biologiya fakulteti	
1.	Biokimyo kafedrasi	2,25 ta
2.	Biofizika kafedrasi	1 ta
3.	Botanika va o‘simliklar fiziologiyasi kafedrasi	1,25 ta
4.	Genetika kafedrasi	3,25 ta
5.	Zoologiya kafedrasi	2 ta
6.	Mikrobiologiya va biotexnologiya kafedrasi	8,75 ta
7.	Odam va hayvonlar fiziologiyasi kafedrasi	1 ta
8.	Tuproqshunoslik kafedrasi	0,25 ta
9.	Ekologiya kafedrasi	5 ta
10.	Ekologik monitoring kafedrasi	3 ta
	Geografiya va geoaxborot tizimlari fakulteti	
1.	Geodeziya va geoinformatika kafedrasi	2,75 ta
2.	Iqtisodiy va ijtimoiy geografiya kafedrasi	1 ta
3.	Kartografiya kafedrasi	5 ta
4.	Tabiiy geografiya kafedrasi	4,5 ta
	Geologiya va muhandislik geologiyasi fakulteti	
1.	Geodinamika va tektonika kafedrasi	1,5 ta
2.	Geokimyo va mineralogiya kafedrasi	3,5 ta
3.	Geologiya kafedrasi	8 ta
4.	Geofizikaviy tadqiqot usullari kafedrasi	1,25 ta
5.	Gidrogeologiya kafedrasi	8 ta
	Jurnalistika va o‘zbek filologiyasi fakulteti	
1.	Audiovizual va internet jurnalistika kafedrasi	4,5 ta
2.	Jamoatchilik bilan aloqalar va reklama kafedrasi	6 ta
3.	Kompyuter lingvistikasi va amaliy tilshunoslik kafedrasi	0,25 ta
4.	O‘zbek adabiyotshunosligi kafedrasi	7 ta
5.	O‘zbek tilshunosligi kafedrasi	3,5 ta
6.	Rus adabiyotshunosligi kafedrasi	8 ta
7.	Rus tilshunosligi kafedrasi	6,25 ta
8.	Fakultetlararo rus tili kafedrasi	0,5 ta
	Ijtimoiy fanlar fakulteti	
1.	Ijtimoiy ish kafedrasi	4,75 ta
2.	Ijtimoiy psixologiya kafedrasi	7 ta
3.	Pedagogika va umumiy psixologiya kafedrasi	14,5 ta
4.	Siyosatshunoslik kafedrasi	4,75 ta
5.	Sotsiologiya kafedrasi	3 ta
6.	Umumiy psixologiya kafedrasi	12,25 ta
7.	Falsafa va mantiq kafedrasi	8,75 ta
8.	Falsafa va ma’naviyat asoslari kafedrasi	7,5 ta
9.	Huquqiy fanlar kafedrasi	17,75 ta
10.	Etika va estetika kafedrasi	5 ta
	Iqtisodiyot fakulteti	
1.	Iqtisodiyot nazariyasi kafedrasi	8,25 ta
2.	Makroiqtisodiyot kafedrasi	8,5 ta
3.	Mintaqaviy iqtisodiyot va menejment kafedrasi	0,75 ta
4.	Moliya va kredit kafedrasi	1,25 ta
5.	Ekonometrika va iqtisodiy modellashtirish kafedrasi	7,5 ta

	Kimyo fakulteti	
1.	Analitik kimyo kafedrasi	0,5 ta
2.	Noorganik kimyo kafedrasi	2,5 ta
3.	Organik kimyo kafedrasi	0,25 ta
4.	Organik sintez va amaliy kimyo kafedrasi	1,75 ta
5.	Tabiiy birikmalar kimyosi kafedrasi	2 ta
6.	Umumiy va neft-gaz kimyo kafedrasi	2,5 ta
7.	Fizikaviy kimyo kafedrasi	1,25 ta
	Matematika fakulteti	
1.	Algebra va funksional analiz kafedrasi	3,75 ta
2.	Geometriya va topologiya kafedrasi	3,5 ta
3.	Differensial tenglamalar va matematik fizika kafedrasi	6 ta
4.	Matematik analiz kafedrasi	4 ta
5.	Mexanika va matematik modellashtirish kafedrasi	2,5 ta
6.	Ehtimollar nazariyasi va matematik statistika kafedrasi	4,5 ta
	Tarix fakulteti	
1.	Antropologiya va etnologiya kafedrasi	0,5 ta
2.	Arxeologiya kafedrasi	1,75 ta
3.	Jahon tarixi kafedrasi	5 ta
4.	Manbashunoslik va arxivshunoslik kafedrasi	1,25 ta
5.	O‘zbekiston tarixi kafedrasi	13,5 ta
	Taekvondo va sport faoliyati fakulteti	
1.	Sport menejmenti kafedrasi	2,5 ta
2.	Taekvondo va sport faoliyati kafedrasi	11,25 ta
	Fizika fakulteti	
1.	Astronomiya va astrofizika kafedrasi	1,5 ta
2.	Gidrometeorologiya va atrof-muhit monitoringi kafedrasi	2,25 ta
3.	Quruqlik gidrologiyasi kafedrasi	4 ta
4.	Meteorologiya va iqlimshunoslik kafedrasi	3 ta
5.	Nazariy fizika kafedrasi	3,5 ta
6.	Umumiy fizika kafedrasi	4,75 ta
7.	Fotonika kafedrasi	6,75 ta
8.	Yadro fizikasi kafedrasi	9 ta
9.	Yarimo‘tkazgichlar va polimerlar fizikasi kafedrasi	5 ta
	Xorijiy filologiya fakulteti	
1.	Amaliy ingliz tili va adabiyotshunoslik kafedrasi	10,5 ta
2.	Ingliz tilshunosligi kafedrasi	3,5 ta
3.	Nemis filologiyasi kafedrasi	2,5 ta
4.	Tarjima nazariyasi va qiyosiy tilshunoslik kafedrasi	3,5 ta
5.	Fransuz filologiyasi kafedrasi	6,5 ta
6.	Xorijiy til va adabiyot kafedrasi	4,5 ta

Tanlovda qatnashadigan nomzodlar quyidagi hujjatlarni taqdim etishi lozim:
1. Universitet rektori nomiga ariza;
2. Xodimlarni hisobga olish bo‘yicha shaxsiy varaqa (ma’lumotnoma);
3. Oliy ma’lumoti to‘g‘risidagi diplomlar nusxasi;
4. Ilmiy unvoni darajasi to‘g‘risidagi diplomlar nusxasi;
5. Ilmiy ishlari ro‘yxati (so‘nggi 3 yil);
6. Malaka oshirganligi to‘g‘risidagi guvohnoma nusxasi;
7. Xorijiy til bilish darajasini tasdiqlovchi sertifikat nusxasi (xorijiy filologiya fakulteti o‘qituvchilari uchun).

Hujjatlar e’lon chop etilgan sanadan boshlab 1 oy muddatda qabul qilinadi.
Manzil: 100174, Toshkent shahri, Universitet ko‘chasi, 4-uy, O‘zMUning xodimlar bo‘limi. Tel.: 71-246-03-92.

Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» акциядорлари диққатига!

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ХАБАРНОМА

Сизни **2024 йил 19 ноябрь куни соат 10:00 да** масофадан туриб электрон овоз бериш хизмати **http://evote.uz** орқали бўлиб ўтадиган АТ “Алоқабанк” акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишига таклиф этамиз.

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. АТ “Алоқабанк” акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;

2. АТ “Алоқабанк”нинг акциялари бўйича дивидендлар тўлаш;

3. “АТ “Алоқабанк”нинг 2024 — 2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси”ни тасдиқлаш.

АТ “Алоқабанк” Кузатув кенгаши йиғилишининг 2024 йил 25 октябрдаги қарорига асосан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида **хабардор қилиш** учун реестрни шакллантириш санаси: **2024 йил 25 октябрь**. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида **иштирок этиш** ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри тузиладиган сана: **2024 йил 13 ноябрь.**

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш **интернет тизими орқали электрон овоз бериш хизматидан (http://evote.uz) фойдаланган ҳолда 2024 йил 19 ноябрь** соат 09:00 да бошланиб 10:00 да тўхтатилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига оид ҳужжатлар ҳамда кун тартибига киритилган масалалар юзасидан тайёрланган маълумотлар билан **http://evote.uz** электрон саҳифаси орқали танишишингиз ёки **info@aloqabank.uz** электрон манзили бўйича сўров юборишингиз мумкин.

Маълумот учун телефон: 71-232-83-67.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 12 718 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.45 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6